



ТО'УШ КЕНТ О'QШОМИ

ПАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 23 (9.367) 2000 йил 23 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

22 февраль куни Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирликлари, идора ва ташкилотлари, банслар раҳбарлари, вилоят бошқармалари бошқалари, туман ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олинди. Давлатимиз раҳбари Сирдарё ахли олдига турган бирламчи вазифаларга тўхталар экан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ечимни кутайтган муаммоларни вилоят тараққиётига салбий таъсир кўрсатмаётганини қайд этди. Булар асосан ерларнинг ачиқлари мелиоратив ҳолати, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибини ўзгартириш зарурати, соҳанинг моддий-техника таъминотининг яхшилан, замонавий технологияларни қўллаш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

равон йўллар қурилди, миллий меъморлик аъёнлари асосида ўнлаб замонавий бинолар бунёд этилди.

Бироқ, йўлбошимиз айтиб ўтганидек, бу борада ҳали кўпгина камчиликлар мавжуд. Чунинчи, қўшма корхоналар вилоятни саноатлашган ҳудудга айлантиришга хизмат қилмапти, рўйхатга олинган қўшма корхоналардан 9 таси фаолият кўрсатмапти, қишлоқ ва ўрта бизнес корхоналарига етарли даражада ёрдам кўрсатилмапти. Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифа — одамларимизнинг гурурини уйғотиш, ягона Ватанимиз бўлиш Ўзбекистонимиз учун ифтихор туйғусини тарбиялаш, бир ёқадан бош чиқариб янги уфқлар сари олға бориш эканлигини таъкидлади. Ислам Каримов Сирдарё ахли бундай даъватларни қабул қилиши ва мамлакатимизни янги босқичларга кўтаришга ўз ҳиссасини қўшилишига ишонч билдирди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ў. Исмоилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримов тавсиясига биноан депутатлар Жиззах вилояти Зафаробод тумани ҳокими вазифасида ишлаб келётган Алишер Исроилловни Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда сўзга чиққан Ховос туманидаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги" ширкат уюшмаси раиси Алипўллов Холназаров, Гулистон туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Фотима Мадаминаева, Янгйер шаҳар ҳокими Собиржон Шодиев, Ширин шаҳар ҳокими Исроил Эрбёков, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича фотомухбири Баҳром Тўраев ва бошқалар давлатимиз раҳбари нутқида кўрсатиб ўтилган нуқсонларни бартараф этиш вилоят аҳлининг бирламчи вазифаси эканини таъкидлади.

Бехозод УСМОН, (Ў.А).

СУРАТЛАРДА: сессия пайти. Муҳаммад АМИН, Баҳром ТўРАЕВ олган суратлар.

ЭРКИНЛАШТИРИШ — ОЛГА ИЛГИРИШИМИЗ КАФОЛАТИ БИЗДАН ҲАРАКАТ КЕРАК

Президентимиз Вазирав Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида низоҳатда долзарб масалани кўтарганлиги пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ишбилармонларга ҳам куч-қувват бахш этди. Шу билан бирга дадиллик, ўз истеъқолига ишонч туйғуларини ҳам оширди. Ана шундай тадбиркорлардан бири — "MET-FUR-SERVIS" хусусий фирмани раҳбари Шавкат Саломов билан суҳбатимиз амалга ошириладиган ишлар ва айрим муаммолар ҳусусида бўлди.

— Шавкат Саломович, тадбиркорликни қандай бошлагансиз?

— Узингизга маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунларидан мамлакатимиз раҳбарияти тадбиркорликка кенг йўл очиб берди. Ўшандан буюн мен ҳам хусусий фирма ёки кичик ишлаб чиқариш корхонаси очилиши ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Нихоят бу орзуларим 1999 йилнинг август ойида амалга ошди ва шахримизда "MET-FUR-SERVIS" хусусий ишлаб чиқариш фирмасини рўйхатдан ўтказиб иш бошладим. Албатта ишларимиз йўқ, кийинчиларимиз энгиз ўтишга тўғри келди. Аммо теъна кўнларда ишларимиз жой-жойига тушиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқара бош-

ладик. Фирмаимиз асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ва иқтисодлашган бўлиб, парда илгичлар, эшик ва роқлар учун ошқ-мошқлар, болаларнинг мактаб сумкалари учун қулф ва безаклар, енгил саноатда зарур бўлган фурнитуралар тайёрланади. Бугунга келиб бир ойлик товар ишлаб чиқариш кўрсаткичи ҳажми ўртача 750-800 минг сўмни ташкил этмоқда.

— Тадбиркор сифатида тадбиркорларимиз олдида яна қандай ечимни кутайтган муаммолар бор деб ўйлайсиз?

— Тадбиркор топан-туттанини келажакка қолдиради. Унинг топанлиги халқимиз бўлиши керак. Мен фирмамнинг келажиги ҳақида ўйлаб, шунингдек истеъмолчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда шахримиздаги банкрот бўлган

Суҳбатдош
Очил ҲАЗРАТОВ.

Ошқора мулоқотга тақлиф этамиз ЭРКИНЛАШТИРИШ ҲАҚИДА ЭРКИН ФИКР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси сессиясида, Ипораларо кенгаш йиғилишидаги, Вазирав Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги маърузаларида олдинга қўйилган вазифалар ҳаммамиздан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни тақозо этади.

Кунга кеча бўлиб ўтган Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилишида ҳам эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш олга интилишимизнинг қафолати ва асоси эканлигига асосий урғу берилди. Йиғилишда Ўртабашимизнинг маърузаларида олға сурилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига эътибор қaratилди.

Маълумки, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммоларни ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг

ўрни салмоқлидир. Ана шунини эътиборга олиб бугундан бошлаб "Тошкент оқшом" тахририяти тадбиркорларни ва иқтисодиётнинг бошқа фаолларини, турли идора ва ташкилотларнинг мутасаддиларини ошқора ва амалий мулоқотга тақлиф этмоқда. Биз уларни эркинлаштириш ҳақида ўзларининг эркин фикрларини билдиришга, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг устувор йўналишлари ҳусусидаги, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини кенгрок жалб этиш, қурилиш ва бошқа соҳалар бўйича ечимини кутайтган муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши ҳусусидаги мулоҳазалари бўйича ўзаро фикр алмашишга тақлиф этамиз. Биз билан 132-11-39 "Ишонч телефони" орқали боғланишингиз мумкин.

Шундай қилиб азиз дўстлар, эркинлаштириш ҳақидаги эркин фикрларингизга мунтазиримиз, кўнгирик ва мактубларингизни кутамиз.

Домий комиссиялар фаолиятдан ДЕПУТАТЛАР ВАЗИФАЛАРИНИ ФАОЛ БАЖАРМОҚДАЛАР

Илгари хабар берганимиздек, Тошкент шаҳар Кенгаши қошида иккинчи қаққирқ депутатларнинг янги таркибида қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳаётидаги таъминлаш; саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш; ижтимоий-маданий ривожланиш; коммунал-хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш; шунингдек, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари билан шугулланишдан олдинки фаолият кўрсатмадан қолган комиссиялар ташкил этилган. Ўқорида тилга олинган барча комиссиялар уларнинг дастлабки йиғилишларини ўтказди ва уларда асосан ташкилий масалалар муҳокама қилинди, келажакка мўъалласан вазифалар белгиланди.

Яқинда Тошкент шаҳар Кенгашида пойтахтнинг тешиқли хизматларининг раҳбарлари иштирокида коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шугулланувчи комиссиянинг навбатдаги иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасининг бошлиғи В. Дорохов депутатларга шаҳар коммунал хўжалигидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида маълумот берди, ушбу тизимдаги энг долзарб муаммолар тўғрисида тўхталди ўтди ва коммунал хўжалигини ислох қилиш жараёнини жадаллаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда ушбу масала юзасидан ўз тақлифларини баён этди.

Шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Ю.

тириш, шунингдек, коммунал хўжалиги соҳасида ўзаро ҳисоб-китоблар механизмининг тартибга солиш масалаларини ҳал қилишнинг асосий мақсади қилиб қўйди.

— Бу йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан биз авваломбор экология масалаларини ҳал этишга асосий эътибор қаратишга қарор қилдик, — дейди Тошкент шаҳар Кенгаши домий комиссиясининг раиси М. Зиёева. — Зеро, инсон саломатлиги устун даражада атроф-муҳит ҳолатига боғлиқдир. Коммунал хўжалик тизимида ягона механизмни ишлаб чиқиш масаласига тўхталганидан бўлсақ, уйлашмакни, бунда энг аввал ўзаро ҳисоб-китобларнинг муаммосини ҳал этиш керак. Фақат ушбу тузилмани тартибга солган ҳолдагина аста-секин барқарор механизмни ишга солиш мумкин.

Биз Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари қонунларни яратиб устиди ишламайми, бироқ мавжуд меъёрий ҳужжатларнинг борлигини ўзи биланок қўпгина муаммоларни еса бўлади, деб ҳисоблайми. Энг муҳими, депутатларнинг ҳам, ваколатли хизматларнинг ҳам — барчамизнинг ҳаракатларимиз мутаносиб, аниқ ва ақид бўлиши керак. Фақат шундагина кутилган натижаларга эришишимиз мумкин.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА.

НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ АРАФАСИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА ШАҲАР САНИТАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ИККИ ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутуб олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирав Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги 39-3-52-сонли бажармоқда кўрсатилган вазифалари бажариш ҳақида баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаевнинг "Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш арафасида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳар санитар ҳолатини яхшилаш икки ойлигини ўтказиш ҳақида" қарор қабул қилди.

Шаҳар туман ҳокимлари зиммасига: бир ҳафта мuddат ичида баҳорги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш икки ойлигини ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва олийк давомида уларни амалга оширилишини таъминлаш;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозаланиш таъминлаш икки ойлиги давомида меҳнат жамоаларини ва маҳалла аҳолисини кенг жалб қилган ҳолда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш, корхона ва ташкилотларнинг автотранспорт воситаларини чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш ишларига жалб қилиш юклатилди.

Ободонлаштириш бош бошқармаси зиммасига

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНАБАЛРАДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Алишер Исроиллов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Ўқтам Исмоилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинди.

• Мамлакатимизнинг барча вилоятларида 1999 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида ва Вазирав Маҳкамаси йиғилишида сўзланган маърузаларида келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар-кенгашлар бўлиб ўтди.

• Республика чет эл адабиёти хонасида немис тилидаги адабиёт кироатхонаси очилди.

• Кеча пойтахтнинг "Шератон — Тошкент" меҳмонхонасида "Экспан" халқаро жамағармаси Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё бўйича алоқалар бюроси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон — XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик" мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

• АҚШ Ҳарбий-хаво қўллари самолёти мамлакатимиз пойтахтига Америка Қўшма Штатлари ҳўкумати томонидан юборилган яна тўртта "Хаммер" русумли автомобилни олиб келди. Ушбу воқеа Ўзбекистон — АҚШ Ҳарбий-техника соҳасида, шу жумладан, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ривожланиб бораётган ҳамкорлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

• Самарқанд шаҳрида буюк аллома Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Айни дамларда эса турли муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида, маданият масканларида аллома фаолиятига бағишланган илмий конференциялар, иходий кечалар бўлиб ўтмоқда.

• Кеча Тошкент Ислам университетида иш бошлаган малака ошириш курсининг дастлабки машғулотлари Шайхонтохур туманидаги маҳалла оқсоқоллари, мазкур ҳудуддаги масжидларнинг имом хатибларидан иборат 60 кишилик тингловчи иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида ўзбек кинематографларининг "Ислам Каримов: Ўзбекистон — XXI аср бўсағасида" номли ҳўжжатли сериалининг иккинчи фильми тақдироти бўлиб ўтди.

• Бугун Россия Федерациясининг молия вазири Михаил Касьянов Киевга келади. Бу ерда у Президент Леонид Кучма ва Бош вазир Виктор Ющенко билан учрашади.

• Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат парламентига "Авф этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра, мамлакат қамқоқоналарида ётган, оғир жиноят қилмаган 30 минг нафар маҳбўс озод этилади.

• Хиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг маданий алоқалар бўйича кенгаши томонидан мазкур мамлакат билан маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларга "Хиндистоннинг катта дўсти" номини бериш аънаънага айланган. Ўзбекистон Бадиий академияси ҳам ана шу номни олишга мўъассар бўлди.

• Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида ўзбекистонлик ва хиндистонлик доришўнослар дори-дармон юзасидан ўзаро ҳамкорлики янада қучайтириш бўйича тайёрланган шартномага имзо чекилд.

• Танзаниянинг Арүша шаҳрида Бурундидан ички мижорларни бартараф этиш бўйича тинчлик музокаралари бўлиб ўтди.

• Чеченистонда ўтказилган террорга қарши операциялар чоғида 11 мингдан зиёд жангари ўлдирилган. Сўнгги ҳафтада эса Россия Федерал қўшинлари 700 га яқин жангарини йўқ қилди, деди Россия Қуролли қўллари бош штаби бошлигининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистлар билан суҳбатда.

• Исроил Бош вазири Ёхуд Барак май ойида Фаластин билан асосий масалалар бўйича келишувга эришилшига, октябрь ойида эса бу борадаги ҳўжатлар имзоланишига умид билдирди.

• Австрияда таширф буюрган БМТ Бош котиби Кофи Аннан Бош вазир Жон Говард билан учрашиб, расмий Камберланг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топтириш борасидаги сазй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

• Гвинея-Бисауда иккинчи бор президентликка сайланган Кумба Йала ўтган кун 24 кишидан иборат Вазирав Маҳкамаси таркибининг эълон қилди.

• Январ ойида Россияда ишсизлар сони ўтган йилнинг декабрь ойидагига нисбатан 0,3 фоиз ошди. Айни пайтда бекор юрганлар сони 9,124 миллионга етди.

• Хитой жорий йилда контрабандага қарши курашни қучайтиришни режалаштирмоқда. Хитой давлат кенгаши раиси Чжу Жунцзи мамлакат боқжоначилари билан учрашиб, шу ҳақдаги фикрларини баён этди.

• Судан пойтахти Хартумда 17-аънавий халқаро кўргазма-ярмарка иш бошлади. Унда Осиё, Африка ва Оврупо кўпаларидадан 400 дан зиёд фирма ва компаниялар қатнашмоқда.

• Камбоджа Бош вазири Хун Сен икки кунлик таширф билан Хиндистонда бўлди.

• Литва парламенти кам сонли халқлар ҳўқуқларини ҳимоя этиш бўйича халқаро конвенцияни ратификация қилди. Айни пайтда ушбу ҳўжжати дунёнинг 37 мамлакат имзолади.

• Кеча Россиянинг машҳур ҳажвчиси Аркадий Хайт 63 ёшида Мюнхенда оламдан ўтди.

• АҚШ Калифорния штатининг Сакраменто шаҳри яқинида "ДС-8" русумли юк тайёраси ҳалокатга учради. У ҳавога кўтарилаёқ, мувозанатини йўқотганини тўғрйли ерга қулаб тушди ва портлаб кетди.

• Германияда профессионал боксчилар ўртасида ўзбекистонлик ўн қарра жаҳон чемпиони Артур Григорян ўзининг навбатдаги ғалабасини қўлга киритди.

• Душанба кун Душанбе марказида отишма содир бўлди. Қузатувчиларнинг гувоҳлиқ беришларига, бир неча ўқ Президент саройи ойнасида ҳам келиб теккан. Жароҳат олганлар йўқ.

• "Элайн" тўфони ўзининг дахшатли момақалдиқроқли сел ва қўчли шамоллари билан Мозамбик қирғоқларига етиб келди. Табиий офат тўғрйли Лимпопо воҳасининг 200 мингдан ортиқ аҳолиси бошпанасиз қолган, 150 киши ҳалокатга учради.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Мана, ҳадемай ишқибозлар орзиқиб кутаётган кун келиб, 18 мартда футбол бўйича тўқтинчи Узбекистон миллий чемпионати баҳслари бошланади. Янги минг йиллик бошдаги футбол мавсуми юртида ҳам ўзгача кечади. Зеро, илк бор хайри мақсадлари кўзлаб ҳолда олий лига жамоаларининг сони кўпайтирилади, бундан ташқари миллий терма жамоалик футболчилари октябрда Осиё

кубогининг финал босқичида иштирок этади. Бизнинг Узбекистон футбол федерациясининг бош котиби, Осиё футбол конфедерациясининг кўмитаси аъзоси, Халқаро футбол федерацияси - ФИФА апелляция комиссияси аъзоси Зокиржон Қўрбонов билан суҳбатимиз ҳам жамоалар ва ўйинчиларнинг янги мавсумга тайёргарлиги, ўзбек футболдаги ижобий ўзгаришлар ҳусусида кечади.

Футбол

ЯНГИ МАВСУМ — ЯНГИЧА ТАРТИБ АСОСИДА

— Зокиржон Аҳмаджонович, маълумки, бу йилги мамлакат чемпионатининг олий лигасида 20 жамоа иштирок этмоқда. Қандай мақсадларни қўзлаган ҳолда жамоалар сони кўпайтирилди?

— Дарҳақиқат, футбол муҳлислариға сир эмас, бу йилги миллий чемпионатида қатнашувчи жамоаларнинг сони йигирматага етказилди. Маълумки, 1999 йилги миллий чемпионатида мусобақалари Низомига асосан охириги ўринлари эгаллаган Термиз шаҳрининг «Сурхон» ва Янгиер шаҳрининг «Янгиер» жамоалари олий лигани тарк этишлари керак эди.

Чемпионатимиз якунланганидан кейин Футбол федерациямизга, Узбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига футбол муҳлислари, вилоят, шаҳар ҳокимлари ва футбол клублари раҳбарлари номидан кўпал хатлар келди.

Мақтубларнинг асосий мазмуни шундан иборатки, муҳлислар ва мутасаддиқлар Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрининг «Орол», Намовий вилоятида Зарафшон шаҳрининг «Қизилқум» жамоалариға олий лигада жой берилишини ҳамда «Сурхон» ва «Янгиер» жамоаларининг олий лигадаги жойлари сақлаб қолинишини илтимос қилганлар.

Узбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Футбол Федерацияси ва масалани чўқур ўрганиб чиқди ва ушбу жамоаларға олий лигада жой берилиши келгусида шу вилоятларда футболни ривожлантиришга янада туртки бўлиши, ёшларнинг футбол билан шуғулланишиға ва ташкил этилган футбол лицей-интернатларида иқтидорли футболчиларни тарбиялашда ҳамда кўп миңлиқ футбол муҳлисларининг ўйинҳоларға келиб, юқори сифатли футбол ўйинларини томоша қилиб, ҳордиқ чикаришлариға омил бўлишини ҳисобға олган ҳолда 1999 йил 24 декабрда Термизнинг «Сурхон», Сирдарё вилоятида «Гулистон», «Орол» (Нукус) ва «Қизилқум» (Зарафшон) жамоалари олий лигаға киритилиши деб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳайъати ва Ўзбекистон Футбол Федерациясини ижроия қўмитаси қўшма қарор қабул қилди.

— Олий лигадаги иккинчи давра учрашувларининг тартиби қандай ташкил этилган? Олий лигани неча жамоа тарк этади?

— Олий лига жамоаларининг ўйинлари жаҳдвали шу йилнинг 12 январиди барча жамоалар мураббийлари, журналистлар, тақлиф этилган меҳмонлар, Бахтиёр Ихтиёров, Хайрулла Саъдиев, Обид Асонов каби таълиқ санъаткорлар ва Федерация ходимлари иштирокда қўшма ташлаш йўли билан тузилди. Ўйинлар жаҳдвали тайёр, иккинчи давра ўйинлари жаҳдвали эса қўш кўнларда миллий терма жамоамиз режасига асосланган ҳолда қўриб чиқилади.

Мусобақалар қондаларига асосан 2000 йил чемпионати мусобақалари якунида олий лигани 18, 19, 20-ўринларни эгаллаган жамоалар тарк этади. Биринчи лигада 1-ўринни эгаллаган жамоа олий лигаға йўлланади.

олади. 17-ўринни эгаллаган жамоа эса биринчи лигада 2-ўринни эгаллаган жамоа билан ўтиш ўйинлари ўтказида (уйда ва меҳмонда). Ушбу ўйинлар натижасига қўра голиб жамоа олий лигада ўйнайди.

— Ўйинҳоларни янги мавсумға тайёрлаш масаласи қай аҳволда?

— Шу йилнинг январь-февраль ойларидан бошлаб ўйинҳоларни муҳим ойларида тайёрлаш масаласи барча вилоятлар, стадионлар, клублар раҳбарлари назоратида турибди.

20 февралдан бошлаб Футбол Федерацияси ходимлари, жойлардаги ички ишлар, санитария, гигиена, ўт ўчириш ташкилотлари ходимлари, ҳокимлик, спорт қўмитаси вакиллари таркибиди тузилган комиссия ўйинҳоларнинг янги мавсумға тайёргарлиги бўйича иш олиб боради. Барча талаб қилинган ишлар тўла бажарилган бўлса, комиссия ақтиға асосан республика миқёсидаги мусобақалар ўтказишға руҳсат берилади.

— 2000 йилги мавсум терма жамоамиз учун ҳам низоҳатда масъулиятлидир. Зеро, миллий терма жамоамиз бир неча нуфузли мусобақаларда қатнашади. Бош жамоамиз тайёргарлиги қандай кечади, у қайси терма жамоалар билан учрашиш режалаштирилган. Бош мураббий масаласи қай аҳволда?

— Ҳақиқатан ҳам 2000 йил терма жамоамиз учун низоҳатда, масъулиятли. Футболчиларимиз жорий йилнинг 12-29 октябрь кўнлари Ливанда ўтказилган Осиё Кубогининг финал босқичида Ватанимиз шарафини ҳимоя этишлари лозим.

Ушбу турнирға ҳозирлик қўриш мақсадида терма жамоамиз 8 та ўқув-машғулот йилгинида иштирок этади. Футбол Федерацияси ушбу қўриқлар давомида бир қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказиши мўлжалланмоқда. Айни пайтда Хитой, Туркия, Таиланд, Финляндия, Исроил, Польша, Мўғулистон ва Белоруссия футбол федерациялари билан миллий терма жамоалар даражасида ўйинларни ташкиллаштириш ҳусусида музокаралар олиб борилапти. Терма жамоамизға эса йилнинг пайтида энг кучли, ҳар томонлама талабларға жавоб берадиган футболчилар қачқиради. Улар мамлакат ички чемпионати учрашувларида маҳорат билан тўп сураётган ўйинчилар орасидан танлаб олинади. Шунингдек, ҳориз жамоаларида тўп сураётган легионерларимиз ҳам қўздан қочирмаймиз. Аммо жаҳон футбол федерацияси (ФИФА) регламенти бўйича легионер ўйинчилар йил давомида терма жамоа таркибиди фақат еттига ўйинда қатнашишлари қўрсатилган. Шунинг учун Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФА қондаларига риоя қилган ҳолда терма жамоа таркибини аниқлайди.

Терма жамоа бош мураббийи вазифасини бажарувчи сифатида айни пайтда Виктор Борисов иш юритмоқда.

— Қизилқум суҳбат учун ташаккур. Терма жамоамиз ва клубларимизда янги мавсумда омад ёр бўлишиға тилақдошмиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Янги нашрлар «АЛИФЖОН»

Қадри болжонларнинг катоб жавони яна бир журнал билан бойида. Улар учун янги бекаси журнал — «Алифжон» чоп этила бошлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан қўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган сўзлари билан бошланган бош мақолада куйидаги илиқ сатрларни ўқиш мумкин: «Богчаға ва мактабға қувнай қувнай борилишимизни қўрагимизда, қувналарда отанонг билан бахтиёр юрганлиги қўрагимизда, тенгқўрларинг билан апок-чапоқ ўйнаб-қулганлиги қўрагимизда, бегубор қўларингиз бок-қанимизда, бахтиёр қулгўларингиз эшитганимизда, улуг Юртбошимиз, меҳрибон бобимиз, ҳурматли отахонимиз айтган ана шу сўзлар эсимға келади».

Биз азал-азалдан болжон халқимиз. Шунинг учун бўлса керак, қизқинчиликларимизни қалбимиз қўри билан авайлаб-асраймиш. Уларни дунёда энг ширин, энг азиз, энг меҳрли сўзлар билан алқиймиш. Ахир бекорға қай шоир: «Ота қўларингизни эсимға».

Фарзанд, эсимға фарзанд,

деб ёзмаган.

Саккиз бетдан иборат ушбу журнал битикларида болжонлар қалбига Ватан туйғусини қў эшити, уларнинг бочча ва мактабда босқини, одоби, қўда юриш-туриш қатталар олдиди ўзини тўта бўлиш, табиятға ва меҳнатға меҳрли бўлиш каби барча-барча хислатлар сингдирилган.

Ушбу журнал тўрт тилда — узбек, рус, тожик ва инглиз тилларида Самарқандда чоп этилмоқда.

(Ўз муҳбиримиз).



Бўлажак устозодлар

Рустам Шарипов олган сурат.

Мен кимман? Қандай одамман?

УЧРАШУВЛАРГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Ҳа, гап ота-оналарнинг орзулари ушаладиган — янги муносиб келин ёки кўё қидириш бошланган кетсан ёшлар ҳақида кетайтиганини аниқлашдирми? Ҳа, ҳар бир ёш йилгит ва қиз учун шундай бир давр келадики, муносиб умр қўдошини унинг ўзи ёқиб ота-она излай бошлашади. Ҳадемай, баҳам-қўдрат пўй-тамоғи ҳам бўлиб ўтади. Ҳўй, азиз ёшлар, Сиз ўзингизни ана шу катта

қадамни қўйишға — янги ўзингизға ёққан ёр билан топиш, у билан учрашувларға ва охири-охирида тўй томошаларға ўзингизни тайёрлаш, деб ҳисоблайсизми? Қўйишдан саволларға берадиган жавобларингиздан кейин бу ҳақда ўзингиз аниқ ҳулоса чиқариб олишигиз мумкин. Ҳа ёш йўл, деб жавоб бериш. Фақат жавобларингиз ҳоли ва рост бўлса — ҳулоса ҳам пўйи бўлишини унутманг.

1. Қўшни оиладаги жажжи болжон билан, қўчада учратиб қолганингиз кекса кампир билан ёки янги синфдош ёқуд курсдошингиз билан ярим соатлар чамаси эркин ва бажонидил суҳбатлашасизми?

2. Тўшликка кечкичи юрмайсизми, вақтида уй вазифалари, тегишли машқлар бажариб, вақтида ётиб, вақтида турасизми?

3. Қандайдир кино юлдузларидан бириға ёки ўзингиздан каттароқ ёшдаги кишиға бутун борлигингиз билан қизиқиб қолишигиз мумкинми?

4. Йилгит (ёки қиз) билан учрашувға ярим соат ичида тайёр бўлиб чиқа оласизми?

5. Ота-онанингизнинг қўядиган талабларини мултоқо қўрақда турмайдиган талаблар деб ҳисоблайсизми?

6. Таниш-билишларингизни дўстларингиз билан муҳокама қилиши ёқтирасизми?

7. Мабоодо, ишларингиз юришмай қолса — бу асосан бошқа бировларнинг айби билан содир бўлганми, деб ўйлайсизми?

8. Қай бирини афзал қўрасиз: башанг қийинган сержозиб, бадавлат ва олифти қимса (дарвоқо, шўбхали ном чиқарган) йилгит (ёки қиз) билан учрашушнинг ёки ўзингиз «минг» йилдан бери танийдиган қўшининг фарзанди билан учрашувнинг?

9. Ўзингизнинг номақбул одатларингиздан ноқулай ҳолатға тушган пайтларингиз тез-тез юз бериб турадими?

10. Бир бор учрашганингиздан кейин ушай йилгит (ёки қиз)ни бошқа биров билан қўрганингизда рашқ ўтидан қийналасизми?

11. Агар учрашув ўйингизда қўштирилган бўлса — уни эркин, мамнуний билан ўтказган бўлармидингиз?

12. Умумий фикрға қай вақтларда қўйиласиз?

Матлуб жавоблар:

1. Ҳа. Турли ёшдаги кишилар билан муомала қила билиш ва ўзини эркин ҳис этиш — етуклик аломати.

2. Ҳа. Бошқаларнинг доимий турткиларисиз ҳамма ишларни аниқ вақтида адо этиш Сизда масъулият ҳисси қўчилигидан далолат беради.

3. Йўқ. «Жавобсиз қизиқишлар» — болаликнинг ўзинаси. Кимгадир мафтун бўлиб қолиш эса — бошқа гап.

4. Ҳа. Агар қийимларингиз жойида, ишларингиз вақтида қилинган бўлиб, ўзингизға эътиборли бўлсангиз — ярим соатда ҳам учрашувға боришға тайёр бўлаверасиз.

5. Йўқ. Баъзан уларнинг гаплари турткисиздай тўқолса-да, барибир бу гаплар қарийб ҳамма ҳолларда ишончли ва оқилона далилларға асосланган бўлади.

6. Йўқ. Ҳеч ким ҳам қийбатни ёқтирмайди.

7. Йўқ. Агар Сиз айбини бировға қўядиган бўлсангиз — бирор хавф-хатар туғилганда бошини қалин ўт орасига суқиб оладиган товўқ ёки беданаға ўхшаб қоласиз.

8. Йўқ. Сизни мабоодо ярамас одам билан бирға қўриб қолшса, беҳитёр

ўтказилган «Огоҳлик — давр талаби» мавзудаги анжуманда юқоридиғи фикрлар ўз ифодасини топти.

Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсатилла Аҳромов, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин

ятларимизни янада пухта ўрганишға қачқирдилар.

Тошкент молия-иқтисодиёт, қасб-хўнор коллежи талабаси Мирпўлат Солиҳов, Тошкент Давлат шарқ-шунослик институти қўшидаги Собир Раҳимов номли академик лицей ўқувчиси

Ҳушёрликка даъват

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ишлари бўйича қўмита раиси Фозил қўри Собиров, шаҳар ўрта махсус, қасб-хўнор таълим бошқармаси бошлиғи Ислам Зокировлар йилгиланларға бугунги кунда жонажон юртимизда Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг аҳамияти, мамлакатимиз фаровонлигини қўролмаётган «Ҳизбут-тахрир», Ваҳхобийлик ва бошқа реакция оқимларнинг зарарли таъсири ҳақида сўзлаб, барча талабаларни юксак билим олишға, ўзлигимиз ҳақда қадри-

Миразиз Ғофуров, Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти қўшидаги лицей ўқувчиси Шерзод Раҳмоновлар ўзлари таълим олаётган ўқув масканларида талабаларға яратиб берилган қўлай имкониятлар ҳусусида гапириб, бундан бўён ҳам чўқур билим олишға, озода ва обод Ватанимиз муносиб фарзандлари бўлишға ваъда беришлари ва йўлидан адашган тенгдошларини реакция йўлдан қайтишға даъват қилидилар.

Ақбар Йўлдошев.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

мўжиза". 17.00 "Едино". Ш.Одил. 17.30 "Эъзоз". Мусий дустур. 18.00 "Олтин тоғ". Телевизион ўйин. 18.20 "Шарқнинг машҳур аёллари". 18.35 "АҚШ. Космонавтика асри". 18.55 "Ўзлик". Бадий-публицистик қўрсатув. 19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 21.30 "Тахлилнома" (рус тилида). 20.05 "Оламға савҳат". 20.30 "Тахлилнома". 21.15 "Яқшанба оқшомиди". Мусий дустур олиш дастури. 21.45 "Телевизион миниатюралар театри". 22.20 "Интерспорт". 22.35 "ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс".

«Аср мўжизаси» кинодас-тури:

22.50 Кино янгиликлари. 23.05 "Жаҳон кинеси юлдузлари". 23.25 "ЎзТВ экранда биринчи марта: Яқин". Бадий фильм. 1-2 сериялар. 1.25-1.30 Ватан тисмоллари.

ЎЗТВ II

7.55 Қўрсатувлар дастури. 8.00 "Давр тоғи". 9.00 "Ёшлар" телеканалида. 9.05 "Янги аёллар": "Бўш ўтирма". "Мультомаша". 9.40 "Мусий лаҳзалар". 9.50 "Қариб дегниси жаҳоҳирлари". Маърифий дастур. 10.40 "Ёшлар овози". 11.10 "Федерал полиция". Телевизион. 11.55 "Лаззат".

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

8.30 "Қамалак". Болалар учун кинодастур. 9.00 Қашқадарё вилояти хонандаларининг концерти. 9.35 "Ўзбектеlevision" намоийи: "Сехрли қамон". Премьера. 9.45 "Ғаройибот".

10.00 "Ватанимға хизмат қиламан". 11.00 "Билим-ринг". 11.40 "Алоҳиш". Республика қўйиқ театрининг спектакли. 12.20 "Қалбимиз ардоғида". Мусий дастур. 12.45 "Шоҳрух" клуби. 13.15 "Цирк! Цирк! Цирк!". 13.40 Кундузги савас: "Уч қасам". Бадий фильм. 1-серия. 14.40 "Бўстон". Тележурнал. 15.10 "Уч қасам". Бадий фильм. 2-серия. 16.20 "Қўғу". 16.45 "Мозийдан бир

12.15 Ботир Зокиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида. 12.35 "Қишлоқдаги тенгдошим". 12.55 Болалар учун фильм. "Менинг "шотландиялик дўстим" ("Ўзбектеlevision"). 1-қисм. 13.30 "Азизим". 14.15 "Бир пилла чок устиди". 14.35 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт-2000". 15.35 "Мусий лаҳзалар". 15.45 "Эркин фикр". 16.15 "Мусий лаҳзалар". 16.25 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт-2000". 17.25 "Мусий лаҳзалар". 17.35 Қўрсатувлар дастури. 17.40 "Янги аёллар" потчаси. "Ким эгилу-ким чакон", "Кино сирлари", "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьера. 16-қисм. 18.50 "Мусий лаҳзалар". 19.00 "Ақл ёшдамас". 19.15 "Хаёли". 19.35 "Синфдош". 19.55 "Мусий лаҳзалар". 20.00 "Давр". Хафта ичида. 20.40, 21.30 Ўзлонлар. 20.45 "Федерал полиция". Телевизион. 21.35 "Яқшанбада қўришгунча". 21.55 "Обид-шоу". 22.50 "Ойдин кечалар". 23.35 "Олам футбол". 0.00 "Хайрли тунг".

12.05-13.40 Кинонигоҳ. «Кичик-тойнинг саргузаштлари». 17.55 «Ойнаи жаҳонда». 18.00 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 18.20 Телегазета «Экс-пресс». «Табриқлаймиз, кутлаймиз». 20.20 «Филипп Марлоу». Телевизион. 6-серия (яқунловчи). 21.10 «Экспресс ила». 21.40 «Тасанно». 22.05 «Даллас». Телевизион. 22.55 Охланг ва эълонлар. 23.00 Кинонигоҳ. «Эгизлар». 00.40 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

9.00 Қўрсатувлар тартиби. 9.05 «Тонг» дастури. 10.05 «Эртақларнинг сехрли олами». 11.05 «Парле ву франса?». 11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.50 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили). 12.00 Кундузги савас. Мишель Морган «Катта машқлар» фильмида. 14.05-14.50 «Дўстлик» видеока-нали. «Дидлар». «Маврид».

17.30 Қўрсатувлар тартиби. 17.35 «Тенгдошлар». 17.55 «Интернет худуди». 18.10 «Мюзик-холл». 18.30 Дил изори. 19.15 Арнольд Шварценеггер «Коммандо» жангари фильмида. 21.00 «Дил изори». 21.40 «Кинопрофи». 22.00 Ташриф. 22.15 Киноматограф: «Кемадаги фалокат» Бадий фильм. 23.45 «Тахлилнома» (рус тилида). 00.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ЎЗТВ III

8.50 «Соғлом бўлай, десангиз». 9.00 «Тонгги пойтахт». 9.45 Болжонлар экранга. «Само қирили». 11.15 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим». 11.35 «Кинони севасизми?» 11.55 Телегазета «Экс-пресс».

12.05-13.40 Кинонигоҳ. «Кичик-тойнинг саргузаштлари». 17.55 «Ойнаи жаҳонда». 18.00 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 18.20 Телегазета «Экс-пресс». «Табриқлаймиз, кутлаймиз». 20.20 «Филипп Марлоу». Телевизион. 6-серия (яқунловчи). 21.10 «Экспресс ила». 21.40 «Тасанно». 22.05 «Даллас». Телевизион. 22.55 Охланг ва эълонлар. 23.00 Кинонигоҳ. «Эгизлар». 00.40 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

9.00 Қўрсатувлар тартиби. 9.05 «Тонг» дастури. 10.05 «Эртақларнинг сехрли олами». 11.05 «Парле ву франса?». 11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.50 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили). 12.00 Кундузги савас. Мишель Морган «Катта машқлар» фильмида. 14.05-14.50 «Дўстлик» видеока-нали. «Дидлар». «Маврид».

17.30 Қўрсатувлар тартиби. 17.35 «Тенгдошлар». 17.55 «Интернет худуди». 18.10 «Мюзик-холл». 18.30 Дил изори. 19.15 Арнольд Шварценеггер «Коммандо» жангари фильмида. 21.00 «Дил изори». 21.40 «Кинопрофи». 22.00 Ташриф. 22.15 Киноматограф: «Кемадаги фалокат» Бадий фильм. 23.45 «Тахлилнома» (рус тилида). 00.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ЎЗТВ III

8.50 «Соғлом бўлай, десангиз». 9.00 «Тонгги пойтахт». 9.45 Болжонлар экранга. «Само қирили». 11.15 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим». 11.35 «Кинони севасизми?» 11.55 Телегазета «Экс-пресс».

12.05-13.40 Кинонигоҳ. «Кичик-тойнинг саргузаштлари». 17.55 «Ойнаи жаҳонда». 18.00 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 18.20 Телегазета «Экс-пресс». «Табриқлаймиз, кутлаймиз». 20.20 «Филипп Марлоу». Телевизион. 6-серия (яқунловчи). 21.10 «Экспресс ила». 21.40 «Тасанно». 22.05 «Даллас». Телевизион. 22.55 Охланг ва эълонлар. 23.00 Кинонигоҳ. «Эгизлар». 00.40 «Хайрли тун, шахрим!»

ЎЗТВ IV

9.00 Қўрсатувлар тартиби. 9.05 «Тонг» дастури. 10.05 «Эртақларнинг сехрли олами». 11.05 «Парле ву франса?». 11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.50 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили). 12.00 Кундузги савас. Мишель Морган «Катта машқлар» фильмида. 14.05-14.50 «Дўстлик» видеока-нали. «Дидлар». «Маврид».

17.30 Қўрсатувлар тартиби. 17.35 «Тенгдошлар». 17.55 «Интернет худуди». 18.10 «Мюзик-холл». 18.30 Дил изори. 19.15 Арнольд Шварценеггер «Коммандо» жангари фильмида. 21.00 «Дил изори». 21.40 «Кинопрофи». 22.00 Ташриф. 22.15 Киноматограф: «Кемадаги фалокат» Бадий фильм. 23.45 «Тахлилнома» (рус тилида). 00.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ЎЗТВ III

8.50 «Соғлом бўлай, десангиз». 9.00 «Тонгги пойтахт». 9.45 Болжонлар экранга. «Само қирили». 11.15 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим». 11.35 «Кинони севасизми?» 11.55 Телегазета «Экс-пресс».

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кўчалари қиқди. Нашр қўрсатқичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ оф